ҲАШАР — УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТ

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ЮЛДУЗЛАР «ТИЛГА КИРДИ»
САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН
ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 41 (9.844) / 2003 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ бир куни**
**Янгиликлар, воқеалар**

## ҚИСҚА сатрларда

**БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларидаги корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича туман комиссияларининг мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда туманларда иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкрот корхоналарни тугатиш бўйича 2002 йил давомида олиб борилган ишлар ҳамда жорий йил давомида амалга ошириладиган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

**БУГУН** Миробод туманида жойлашган Темирйўлчилар маданият саройида «Гиёвандлик ва унинг салбий оқибатлари, унга қарши курашиш» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда туман ҳудудидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг талаба ва ўқувчилари иштирок этадилар.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**• ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ**

## Қадаминг қутлуғ келсин, баҳорим!





Бугун эрта тонгдан баҳор насимига юз тутган қизалоқ куйлайди:

**Баҳор келса алвон, алвон**
**очилгай гуллар.**
**Хандон ташлар шўх ғазалхон**
**сайрар булбуллар.**

Ҳа, дарҳақиқат, озод ва обод юртимизга залворли қадамлар билан фасллар келинчаги баҳор кириб келмоқда. Унинг қутлуғ нафаси ила бутун оламга жон кириб борлиқни турфа чечакларнинг муаттар ҳиди тутиб кетади. Она табиат гўё янгидан туғилгандек бўлиб, бутун замин — поёнсиз далалар, мевазор боғлар яшил либос кийиб, ўзгача тароват касб эта бошлайди. Сахий тупроқ бағридан типирчилаб, энтикиб майсалар униб чиқади. Ариқлар лабини кўк ялпизлар безайди. Ранг-баранг жилоланган бинафшалар Наврўзи олам эшик қоқаётганидан дарак беради.

Азал-азалдан бизда март ойи — байрамлар фасли, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш даври ҳисобланади. Энг муҳими халқимизнинг қадим ва навқирон миллий айёми — Наврўзни ҳар йили ажойиб тадбирлар, катта тантаналар билан кутиб олишга одатланганмиз. Шу нуқтаи назардан қараганда куни кеча матбуотимиз саҳифаларидан ўрин олган 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши айни муддао бўлди. Унда шу йилнинг март ойида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш ва 15 март куни умумхалқ ҳашарини ташкил этиш каби бир қатор масалалар қамраб олинганки, улар ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди, ҳар биримизни мавсумий юмушларга, умумбашарий қадриятимиз бўлмиш — ҳашарга чорлайди.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

**• Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича Олий Мажлис Комиссияси суд-ҳуқуқ ислоҳотлари масалалари бўйича кичик комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юртбошимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган суд-ҳуқуқ соҳасидаги дастур ва вазифаларни бажаришга қаратилган тадбирлар ижроси ва бошқа масалалар муҳокама этилди.**

**• «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси ва Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида бир миллион евро ҳажмидаги ҳамкорлик шартномаси ва кафолат битими имзоланди.**

**• Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдами доирасида Тошкентдаги Нафис санъат мактаб-интернати, шаҳар ўсмирлар соғлиғини тиклаш марказига 190 минг 511 АҚШ доллари микдорида гранти топширилди.**

**• Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида Наврўз байрамига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Чунончи, байрам арафасида туманда бир нечта хусусий ва тижорат корхоналари, қишлоқ врачлик пункти, иккита гузар очилади. Шунингдек, тумандаги фольклор этнографик ва эстрада гуруҳлари ўртасида анъанавий Наврўз фестивали бўлиб ўтди.**

**• БУГУН Республикамиз пойтахтида ҳаво булутланиб турди, кундузи ҳарорат 1-3 даража илиқ бўлди.**

### Жаҳонда

**• Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида мамлакатнинг янги Президенти Роландас Пиксаснинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди ва у раҳбарлик вазифасини бажаришга киришди.**

**• ГФР Канцлери Герхард Шрёдер Москвада Россия федерацияси Президенти Владимир Путин билан музокаралар ўтказди.**

**• Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай америкалик сенаторлар билан учрашув чоғида, Афғонистон демократик давлат қуриш учун АҚШнинг ёрдамига муҳтож эканлигини билдирди.**

**• Нью-Йорк шаҳар ҳокимияти собиқ Жаҳон савдо маркази ўрнига баланд бинолар мажмуасини қуришга қарор қилди.**

**• Туғилишнинг камайиши ва ОИТС эпидемиясининг тарқалиши БМТ демографларининг 2050 йилда ер юзида аҳоли сонининг 9,3 эмас балки 8,9 миллиард кишига етади дея хулоса чиқаришларига сабаб бўлди.**

**• «ТАШАББУС—2003»**

**Ташаббус бор жойда янгиланишлар бўлади. Янгиликлар яратиш устида тинмай изланиш эса ютуқларни қўлга киритишда муҳим омилдир. Шу боис ҳам «Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин» деган ажойиб иборага амал қиламиз. Ана шу ташаббус туфайли бугун мамлакатимизда тадбиркорлар сафи кенгайиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг иқтисодиётимиз ривожида улуши ортиб бормоқда.**

## Изланишлари таҳсинга лойиқ



Бу борада 8 йилдирки, янги-янги изланувчан тадбиркор ва ҳунармандларни кашф этаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг аҳамияти каттадир. **Кеча** Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида анъанага айланиб қолган «Ташаббус» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги совриниучун пойтахт босқичи бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда)

## Журналистлар учун семинар

**Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида холисона, малакали ва чуқур ёритиш давр талабидир. Шу мақсадда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси, Ахборот-таҳлил бошқармаси, «Ўзтелерадио» компанияси билан ҳамкорликда журналистлар учун ўқув-семинар ташкил этилди.**

Унда Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Б.Хўжаевнинг маърузаси тингланди.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилишида таъкидлаганидек, ўтган йилда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Кўп укладли иқтисодиёт фаол шакллантирилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш чора-тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган ҳал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжудлигича қоляпти. Ўз навбатида журналистларнинг оммавий ахборот воситаларида иқтисодий мавзуларга юзаки ёндашиши, улар тайёрлаётган материалларда чуқур таҳлилнинг етишмаслиги ҳоллари кузатилмоқда. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлиси 2003 йил 17 февралда қабул қилган «2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорда ҳам таъкидлаб ўтилган.

Семинарда ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ихтисослашган журналистлар учун мунтазам равишда давра суҳбатлари ташкил этиш, уларни тегишли статистик ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш, бу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, фан ходимларини, жамоатчилик вакилларини кенг жалб этишга келишиб олинди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича йил якунлари ва жорий йил режаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

## Якунлар чиқарилди, режалар белгиланди

Унда туманда фаолият юритаётган корхона, ташкилот раҳбарлари, коллеж, лицей директорлари, олий ўқув юртлари ректорлари ва Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари қатнашди. Йиғилишда туман ҳокими А. Мажидов сўзга чиқди.

— Ички бозоримиздаги товарлар сифатини яхшилаш маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, — деди жумладан у, — Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Ушбу ютуқларимизга тўхталишдан олдин эътиборингизни бир муҳим жиҳатга қаратмоқчиман. Туманимиздаги баъзи корхоналарда, масалан «Юнит» масъулияти чекланган жамияти, «Делл Технология», «Деметра» хусусий фирмалари ҳамда «Тошкент лак-бўёқ заводи», «Ўзпроммашимпекс», «Корфармсаноати», «Оксидс» қўшма корхонларида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетган. Ҳолбуки, бу соҳада аввалгидан ҳам каттиқроқ меҳнат қилишимиз, ички бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган моллар билан тўлдириш учун ўсиш суръати даражасини камида 50 фоизга етказишимиз керак.

Шунингдек, тадбирда туман ҳокими ўринбосарлари Н. Зокиров, Р. Усмонов, хотин-қизлар қўмитаси раисаси Н. Раҳмонқулова, молия бўлим мудири Ф. Асқархўжаева, туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С. Қиличев ва бошқалар сўзга чиқиб туманда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар, бу борадаги ютуқ ва муаммолар хусусида тўхталиб ўтишди.

Қизғин савол-жавоб тарзида ўтган йиғилишда йил якунига қадар белгиланган кўрсаткичларга эришиш, инвестиция лойиҳалари бўйича тегишли ишларни амалга ошириш, туманда ободонлаштириш чора-тадбирларини изчил йўлга қўйиш ва бошқа долзарб масалалар ўртага ташланди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Файзуллаев қатнашди.

Шундай йиғилишлар шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

**• ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ**

# Қадаминг қутлуғ келсин, баҳорим!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Зеро, ҳашар бизнинг қадимий удумларимиздан бири. Бу сўз қон-қонимизга сингиб кетган. Шу йўл билан ота-боболаримиз нене қудратли ишларни амалга оширганига жонли тарих гувоҳ. Йиллар оша биз ўтмишдошларимизга садоқат ила бу яхши анъанани содиқлик билан авайлаб-асраб келаяпмиз. Бугун ҳашар мавсумий эмас, у ҳаётимизнинг кундалик мазмунига айланган. Шунинг учун ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги режасидан ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, ўқув юртлари, шунингдек республиканинг барча аҳолисини бу ишга жалб этиш, кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофи ҳамда йўлкаларни, ариқ ва канализация қудуқларини, болалар майдончаларини тартибга келтириш, турар-жой мавзелари ва маҳаллаларда кўчатлар ўтқазиш, дарахтларни оқлаш ва буташ, қурилиш, маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва ташиб кетиш ишлари ўрин олганки, ўз навбатида бу юмушлар барча-барчамизни ушбу умумбашарий ишдан четда қолмасликка ундайди.







Биз юқорида тилга олган Фармойиш аслида юртимизда аллақачонлар бошланган баҳор ва Наврўз тайёргарлигининг мантиқий давоми бўлди десак янглишмаймиз. Чунки бутун оламга донғи кетган шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари фикримизни исботлаб турибди. Бугун пойтахтимиз кўчаларини пиёда кезган киши ҳамма жойда шундай хайрли ишлар бораётганининг гувоҳи бўлади.

Бугун шаҳар кезиб чарчамайсан. Кўклам кайфиятидан нурафшон кўнгилларга кенг ва равон, чароғон кўчалар, осмонўпар муҳташам бинолар ажиб бир сархушлик бағишлайди. Истиқлол шарофати ила яшнаб бораётган она заминимиздаги бу ўзгаришлар, янгиланишлардан дил яйрайди. Бугун Анҳор бўйи, сўлим хиёбонлар ўзгача. Бобокалонимиз Амир Темур майдонидан бир зум бўлсада одамлар қадами узилмайди. Бугун шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз тайёргарлиги қизғин. Бугун кун сайин обод ва кўркам бўлиб бораётган маҳаллалар мақтовини келтиришга тил ожиз. Чиғатой Оқтепа, Аҳмад Назаров, «Ўзбекистон Мустақиллиги», Ҳувайдо, Амир Темур, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳаллаларга қадам ранжида қилган киши бу ердаги турли ўзгаришларни кўриб кўзи яшнайди. Маҳалладошларнинг бир жон, бир тан бўлиб аҳил ва ҳамжиҳатликда иш юритишидан бошқалар ибрат олса арзийди. Негаки ҳар йили бу маҳаллаларда баҳорий ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳар томонлама намунали олиб борилади.

Халқимиз ҳаётида маҳалланинг ўрни катта. Инсон туғилганидан то умрининг охиригача шу муҳитда шаклланади, вояга етади, тарбияланади. Инсоннинг қувончу ташвишлари, ҳаётида учрайдиган яхши-ёмон кунларида маҳалла аҳли доимо ҳамнафас бўлади. Шу боисдан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ тарихан таркиб топган маҳалла ижтимоий институтини янги босқичга кўтариш, уни демократик жамият қуришнинг асосий негизларидан бири сифатида ривожлантириш ташаббусини илгари суриб келади. Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинишининг боиси ҳам мана шундан бўлса ажаб эмас.

Мана 12 йилдирки, озод ва эркин нафас оламиз. Баҳорларимиз бир-биридан фарқли келади. Айниқса, сўнгги йиллар баҳори янада жозибали, янада серфайз, нафосатлилиги билан ўзгаларидан ажралиб туради. Зеро, ҳар баҳор шундай ўтиб, ҳар баҳорда бир хиллик такрорланса-да, барибир ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар, янгиланишлар йилларимизда ўз аксини, ўзининг ёрқин ифодасини топиб тураверади. Бу Мустақил диёримизнинг баҳори йил сайин туп қўйиб палак ёзаётганидан далолат.

Мақола аввалини эзгу сўзлар билан бошлаган эдик. Охирини ҳам илиқ сўзлар билан тугатсак мақсадга мувофиқ бўлар. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бугунимиз кечагидан серфайз, эртамиз бугунгидан нурафшон.

Бугун радио тўлқинларида:

**Мана сенга олам-олам гул,**
**Этагингга сиғганича ол,**
**Бунда толе ҳар нарсадан мўл,**
**То ўлгунча шу ўлкада қол,**

қўшиғи таралиб юракларни завқ ва шавққа тўлдиряпти. Албатта бу куй ва унга ҳамоҳанг қўшиқ жисмимизга куч-қувват бағишлаб, ҳаммамизни меҳнат қучоғига чорлайди.

Истиқлолимизнинг ўн иккинчи нурафшон баҳори, қадаминг қутлуғ келсин.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

# Изланишлари таҳсинга лойиқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳримиз туманларидан 11 нафардан тадбиркор ва ҳунарманд иштирок этган тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев очди ҳамда кўрик-танлов аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб, барча иштирокчиларга омад тилади.

Кўрик-танлов хусусида шуни таъкидлаш ўринлики, айниқса тадбиркор ва ҳунармандларнинг изланишлари самарасини намойиш этувчи маҳсулотлар кўргазмаси барча йиғилганларда ва ҳайъат аъзоларида катта қизиқиш уйғотди. Қўли гул ҳунармандлар томонидан тайёрланган буюмлар дилингизга завқ бағишласа, «Буюк нурафшон» хусусий фирмасининг матбаа маҳсулотлари, «Пресс-С-Я» масъулияти чекланган жамиятининг сифатли дори-дармонлари, «ПГС» хусусий фирмасининг кичик дастгоҳлари, «Орзу-ош тузи» шўъба корхонасининг йодланган ош тузлари, шунингдек, «Лалвар», «Дероз», «Агропластимпекс», «Муҳаммад Али савдо», «Инсон», «Акватех», «Soni TA» корхоналарининг рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи турли хил маҳсулотлари юртимизда тайёрланаётганлиги билан фахрланиш туйғусини уйғотади.

Кўрик-танлов икки босқичда ўтказилиб, тадбиркорлар 5 та шарт, ҳунармандлар 4 та шарт бўйича беллашишди. Албатта, ҳар бир қатнашчи билим ва маҳоратларини намоён этиб, нималарга қодир эканлигини кўрсатди. Лекин барчасининг мақсади хайрли — республикамиз иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, юртимизни жаҳонга танитишга, дунё бозорига чиқишга интилишдир.

Ҳар бир тумандан ғолиблар иштирок этганлиги боис ҳам ҳайъат аъзолари учун улар орасидан энг сараларини танлаш осон кечмади. Шу билан бирга ҳар бир иштирокчини холис баҳолашга муваффақ бўлинди. Тадбиркор ва ҳунармандлар орасидан «Энг ёш тадбиркор», «Энг ёш ҳунарманд», «Энг яхши тадбиркор аёл», Энг яхши ҳунарманд аёл», «Энг яхши экспортчи», «Энг яхши кўргазма эгаси» ва бошқа йўналишлар ғолиблари аниқланиб, уларга қимматбаҳо совға ва дипломлар топширилди.

Кўрик-танлов сўнгида 2-, 3-ўрин соҳиблари номлари қайд этилиб, республика «Ташаббус—2003» танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ғолиблар эълон қилинди. Шаҳримизнинг Чилонзор туманида фаолият кўрсатаётган «ПГС» хусусий фирмаси (директори Полянте Свешников) «Энг яхши тадбиркор», Юнусобод туманидан мисгар Абдурашид Мадалиев «Энг яхши ҳунарманд» номларига сазовор бўлишиб 1-ўринни қўлга киритишди.

Тадбир иштирокчилари нафақат совғалар, балки хушовоз хонандаларнинг дилрабо қўшиқлари билан қутланди.

Шаҳримизнинг ана шундай тадбиркор ва ҳунармандлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**



**СУРАТЛАРДА: «Ташаббус—2003» кўрик-танловининг пойтахт босқичидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**






## Сўранг, жавоб берамиз

**Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаларини кўришда суднинг ваколатлари нималардан иборат?**

**Ш. Маннопова**

Даъво аризаси билан муфассал танишиб чиқиб, тарафлар билан атрофлича суҳбат ўтказган судья ишдаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда оилани сақлаб қолиш мақсадида тарафларга олти ойгача бўлган муддатга ярашиш муҳлатини тайинлашга ҳақли.

Агар суд ишнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда даъвогарнинг даъвосини асоссиз деб топса, уни рад этиш ҳақида ёки эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, никоҳни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилади.

* * *

**Турар-жой мулкдорини ёки мулкдорларидан бирини кўчириш қай тарзда амалга оширилади?**

**Ҳ. Розиқов**

Турар-жой мулкдорларининг хусусийлаштирилган бир квартира ёки уйда бирга яшашининг имкони бўлмаган тақдирда суднинг қарорига биноан мулкдорлардан бири кўчирилиб, бошқасининг зиммасига квартира ёки уйининг тегишли қисми учун кўчирилган мулкдорга уй ишини кўриб чиққан кундаги бозор баҳосида пулини тўлаш ёки унинг умумий мулкдаги улушига мос келадиган бошқа турар-жойни сотиб олиб бериш мажбурияти юкланиши мумкин (Уй-жой кодексининг 32-моддаси).

* * *

**Вояга етган, лекин, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга ҳам ота-онанинг таъминот бериши қонун ҳужжатларида кўрсатилганми?**

**А. Ҳолиқова**

Оила кодексининг 100-моддасида қатъий қилиб белгилаб қўйилганки, ота-она вояга етган, лекин, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шарт. Бунда таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартиби орқали ҳал қилинади.

Суд ота-онадан унинг вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож боласига (болаларига) ундириладиган алиментнинг миқдорини алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгилайди.

* * *

**«Эгасиз қолган мол-мулк» деганда сўз нимани англатади?**

**Ф. Охунова**

Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси мероссдан воз кечган бўлса мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

---

Тошкент шаҳар «Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти» савдо тайёрлов корхонаси масъулияти чекланган жамияти жамоаси бош директор Абдувосиқ Валиевич Юсуповнинг отаси, уруш ва меҳнат фахрийси

**Вали ЮСУПОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади. Отахоннинг охиратлари обод бўлсин.

---

# Мунажжимлар башорати

**3 мартдан 9 мартгача**

**ҚЎЙ** (21 март—20 апрель) — Ушбу ҳафта бахтли тасодифларга бой бўлишини юлдузлар ваъда қилишмоқда. Ҳафта охирларида бироз муаммоларга дуч келишингиз мумкин.

**БУЗОҚ** (21 апрель—20 май) — Ҳафта бошидан кайфиятингизни кўтарадиган янгиликлардан воқиф бўласиз. Янги танишлар орттирасиз.Ишга ғайрат ва шижоат билан киришасиз. Кўпдан кутган одамингиз билан учрашасиз.

**ЭГИЗАКЛАР** (21 май—21 июнь) — Ушбу ҳафта иқтисодий томондан бироз муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли бор. Ҳафта ўрталари бу муаммоларни бартараф қилишга эришасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА** (22 июнь—22 июль) — Бошланажак ҳафтангиз омадли келиши кутилмоқда. Тадбиркорлик соҳасида таваккал қилиб омадингизни синаб кўринг. Молиявий аҳволингиз яхшиланади.

**АРСЛОН** (23 июль—23 август) — Ушбу ҳафта ишхонадаги нохушликлардан асабийлашишингиз, ҳафта ўрталарида ҳамма ишларингиз кўнгилли кечиши кутилмоқда. Ўйлаган режаларингиз амалга ошиб, молиявий томондан кутилмаган яхши хабарлар эшитасиз.

**ПАРИЗОД** (24 август—23 сентябрь) — Ҳафтангиз ҳар томонлама хайрли ва қувончли келиши кутилмоқда. Бугунги ишни эртага қўймасликка ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗУ** (24 сентябрь—23 октябрь) — Ҳафта боши янги иш бошлашга қулай фурсат эмас. Дилхираликлар сизни иш бошлашингизга тўсқинлик қилиши эҳтимоли бор.Соғлиғингиз ва асабингизни асрашга ҳаракат қилинг.

**ЧАЁН** (24 октябрь—22 ноябрь) — Бу ҳафта кутилмаган янгиликлар, хушхабарларга бой бўлиши кутилмоқда. Ҳаётингизда анча ўзгаришлар рўй бериши эҳтимоли бор. Турли қарорлар чиқаришга шошманг.

**ЎҚОТАР** (23 ноябрь—21 декабрь) — Ҳафта бироз кўнгилсиз бошланади. Лекин ҳафта ўрталарида ҳаммаси жойида бўлиши кутилмоқда. Ишда дўстларингиз билан муносабатлар яхши эмас.

**ТОҒ ЭЧКИСИ** (22 декабрь—20 январь) — Ушбу ҳафта бизнес соҳасида кутилган натижаларга эришасиз. Ютуқларни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилинг. Сиз кутган учрашув кутилмоқда.

**ҚОВҒА** (21 январь—19 февраль) — Ҳафта боши кўнгилли ва омадли бошланади. Бу айниқса иқтисодий соҳада билинади. Ҳафта охирида ўйлаган режаларингиз амалга ошмаслиги мумкин.

**БАЛИҚ** (20 февраль—20 март) — Ушбу ҳафта сиздан қатъиятлиликни талаб этади. Ҳамкорларингиз билан бироз келишмовчиликлар сезилмоқда.

---


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2003 йил 17 мартда эълон қилинган «Аския универсал бозори» ОАЖ нинг 2003 йил 19 мартда бўлиб ўтадиган акциядорларнинг умумий мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февраль 1708-Ф-сонли фармойиши ижросини бажариш мақсадида киритилган қўшимча масалалар:

1. Жамият директорини сайлаш ҳақида.
2. Жамият бошқаруви томонидан 2003 йилга ишлаб чиқилган иш режасини тасдиқлаш ҳақида. (Бизнес план).
3. Жамият Низом жамғармасини ошириш ҳақида.
4. Жамият Низом жамғармасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

**Мурожаат учун телефон: 55-27-44**

**Кузатув кенгаши.**


---

**• АНЖУМАНЛАР**

**Тошкент Педиатрия институти қошидаги академик лицейда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта-махсус касб-ҳунар маркази, Тошкент шаҳар ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг раҳбарлари, ўқитувчи ва талабалари иштирокида анжуман бўлиб ўтди**

# ТАЪЛИМ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Анжуманнинг асосий мақсади, Жанубий Кореядан келтирилган жиҳозлардан биология фани лабораториясида фойдаланиш ва 28 та лаборатория ишларини амалда кўрсатишдан иборат бўлди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар маркази раҳбари, профессор Жуманазар Ҳусанов «Касб-ҳунар ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, таълим сифати ва мазмуни самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари», мазкур академик лицейнинг биология кафедраси мудири Абдуқаюм Бекмуҳамедов «Жанубий Кореядан келтирилган жиҳозлардан фойдаланган ҳолда биология фанининг ўқитилиши ва улар ёрдамида, талабаларни илмий мавзуларга йўналтириш» мавзуларида сўзга чиқдилар. Биология фанлари номзоди Б. Ирисметов «Молекуляр биология, унинг ютуқлари ва келажак истиқболлари», I-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси З. Усмонова эса «Лаборатория машғулотларига қўйиладиган замонавий талаблар ва улар биология курсида рўёбга чиқаришдаги муаммолари» хусусида ўз-фикр мулоҳазаларини билдирдилар.

Педиатрия институти қошидаги академик лицейнинг директор ўринбосари Х. Раҳмонов «Биология лабораториясида машғулотлар ўтиши қай даражада амалга ошаётгани ва бу машғулотлар қандай баҳоланаётгани, академик лицейнинг ютуқ ва камчиликлари» борасида гапирди.

Шунингдек, анжуманда академик лицей талабалари ҳам ўзларининг талаб ва таклифларини ўртага ташладилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

---


# Корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими: жиноят, фуқаролик ва хўжалик судлари қарорлари асосан шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун қоидаларини бузиб ноқонуний равишда яъни, контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланган автомототранспорт воситаларини кимошди савдосини ўтказилиши ҳақида эълон қилади.

Енгил автотранспорт воситалари:

1. «ГАЗ-2410» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AI 523, **бошланғич нархи 280.000 сўм**, техник носоз.
2. «ГАЗ-31029» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 А 37-41, **бошланғич нархи 2.800.000 сўм**, техник соз.
3. «ФОЛЬКСВАГЕН» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Р 08-45, **бошланғич нархи 1.800.000 сўм**, техник носоз.
4. «ОПЕЛЬ-РЕКОРД» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Н 16-72, **бошланғич нархи 450.000 сўм**, техник носоз.
5. «ДЭУ-ТИКО» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 О 89-73, **бошланғич нархи 4.000.000 сўм**, техник носоз.
6. «ВАЗ-21013» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 I 61-53, **бошланғич нархи 300.000 сўм**, техник носоз.

Юк автомобиллари:

1. «ГАЗ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32 **бошланғич нархи 500.000 сўм**, техник носоз.
2. «УАЗ-333-0301» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 М 16-39, **бошланғич нархи 1.000.000 сўм**, техник носоз.

Автобуслар:

1. «ИКАРУС-256» автобуси, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 23-72, **бошланғич нархи 4.105.000 сўм**, техник носоз.

Кимошди савдоси (аукцион) 2003 йил 3 март куни соат 15-00 да «Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти» Тошкент шаҳар ҳудудий бўлим биносида ўтказилади.

Ким ошди савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш соат 12-00 га қадар.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар:144-54-08, 138-73-03, 144-88-01, 41-16-38.**

## «ОГ»: ҳодисалар

◆ Айрим кимсалар ўйламай эгри қадам босиб, бунинг оқибатида юзлари шувут бўлиб қоладилар. Юнусобод тумани ИИБ ходимлари яқинда "Олой" бозори олдидаги автобус бекатида Юнусобод туманининг 15—мавзесида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган А.Холмурод исмли йигитни жиноят устида қўлга туширдилар. У миясига ўрнашиб қолган қалтис режани шу ерда амалга оширишни кўзлаб, бекатда турган Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Ғишт—кўприк кўчасида истиқомат қилувчи М. Жумабоеванинг қўлидаги сумкасидан 350000 сўм пулларини тортиб олиб қочаётган экан. Ҳозирда мазкур жиноий иш юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Акмал Икромов тумани, Чилонзор-21 мавзеси, 27-уйининг 29-хонадонига калит танлаш йўли орқали кириб олиб, уй эгаси У. Рўзиметовага тегишли бўлган бир дона "Нива" русумли аудиомагнитофон ва турли хил кийим-кечакларни ўғирлаб кетган жиноятчи ҳам бугунги кунда ўз қилмиши туфайли кўзларини ердан узолмай қолди. Эндиликда Андижон вилоятининг Избоскан туманида яшовчи М. Фахриддин исмли бу йигит ҳам қонун олдида жавоб беради.

◆ Гиёвандликка қарши бутун дунё халқлари кескин равишда кураш олиб бораётган айни кунларда баъзи нопок кимсалар бунинг ортидан мўмай даромад орттириш илинжида жиноятга қўл урмоқдалар. Метронинг Ҳамза бекати яқинида ҳаракатларининг шубҳали кўринганлиги боис, шу ерда хизмат олиб бораётган милиция ходимларининг эътиборини тортган икки нафар шахсни тўхтатиб, текширилганда, уларнинг ёнидан 813,3 грамм марихуана ва 183,3 грамм гашиш гиёванд моддалари топилди. Ҳозирги кунда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида яшовчи М. Назиржон ва унинг шериги, Олтиариқ туманида истиқомат қилувчи И. Анварлар ушбу ишга нима мақсадда қўл урганликларини изоҳлаб беришмоқда.

◆ Яккасарой тумани ҳудудидаги "Гранд" кинотеатри олдида "айланиб" юрган Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Малоҳат исмли фуқаронинг ҳам бирмунча безовта ва бесаранжом тарздаги ҳаракатлари милиция ходимларининг шубҳаланишларига сабабчи бўлди. Қўлидаги сумкаси ичидан оз эмас—кўп эмас 1 килограмму 50,28 грамм героин моддаси топилган ушбу аёл ҳам қўлга олингач, ўзини нима деб оқлашга боши қотиб, кўзларини ердан узолмай ўтирарди.

◆ Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Ш. Виталий деган шахс бўлса, 23-мавзеда жойлашган 32-уйнинг атрофида ўралашиб юрарди. Мазкур ҳудудда хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимлари уни текшириб кўрганларида, сумкасида бир килограммдан ортиқ марихуана моддаси борлиги аниқланди. Осонликча пул топаман дея, энг хавфли ва аянчли жиноятга қўл урган ушбу оғуфурушлар албатта қонун олдида жавоб берадилар.

◆ Одамлар орасида ўзларига фирибгарликни касб қилиб олган айрим виждонсиз кимсалар ҳам учрайди. Шу тоифага мансуб шахсларнинг ўйлаб чиқарган турфа хил найрангларининг оқибатида кўпгина соддадил фуқароларимиз азият чекиб қоладилар. Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-2 мавзесида яшовчи, бирон жойда ҳалол меҳнат қилиб, кун кечиришни хоҳламайдиган Ж.Фарида исмли аёл ҳам фуқаро А. Мустафоеванинг ишончига кириб олиб, унга "уйингизни сотиб бераман" деб ёлғон гапириб, уйни ўзининг номига расмийлаштириб олган экан. Ҳозирда фирибгарнинг найранги тўлалигича фош этилиб, у қилмиши учун қонун олдида жавоб бермоқда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**



**Гўзал пойтахтимиз кўркига-кўрк қўшаётган кўп қаватли, замонавий турар-жой бинолари, кенг ва равон кўчалар ҳамшаҳарларимиз ва унинг меҳмонлари кўнглига бир олам қувонч бағишлайди.**

**• КЎРГАЗМАЛАР**

**Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув-моддий негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим техник тадбирлар кўрилмоқда. Бу янги турдаги ўқув даргоҳларини турли техник воситалар билан жиҳозлашда «Ўзмашсаноат», «Мехмаш» каби ҳиссадорлик жамиятлари маҳсулотлари қўл келмоқда.**

## ЭКСПОЗИЦИЯДА — ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ

Бундан ташқари «Подъёмник» корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларидан айримлари ўқувчиларда ишлаб чиқариш кўникмасини ўстиришда яқиндан ёрдам бермоқда.

Улар ўқув-моддий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган кўргазмали қуроллар сифатида оммалашаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Шу сабабли, Тошкент Политехника коллежида ташкил этилган ўқув жиҳозлари кўргазмаси кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими республика маркази томонидан уюштирилган бу экспозицияда мебель ва ўқув-лаборатория жиҳозлари намуналари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

**Акбар АЛИЕВ**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### Отага тик боқма...

Шундай сўзлар билан бошланувчи қўшиқни тинглаганимда автобусда рўй берган бир воқеа хаёлимга келаверади...

— Болам, қаерга келдик? — сўрайди кўзи ожиз ота ўғлидан.

Ўғли ёнидаги хушрўй аёл билан суҳбатлашишдан бўшамайди.

— Сендан сўраяпман, — такрорлайди ота.

— Кўзингиз кўрмагандан кейин суриштириб нима қиласиз, жим ўтиравергансизчи. Тушадиган жойни ўзим айтаман.

Ўғилнинг бу тумтароқ гапидан ота ютиниб қўйди. Индамади.

— Ҳозирги қарияларга ҳайронсан, — сайрай кетди ўғил жилмайиб ёнидаги аёлга. — Уйда тинч ўтиришолмайди, бизнинг пахан ҳам шунақалардан. Эрта тонгдан опангникига олиб борасан, дея хархаша қиладилар. Нима эмиш, ёмон туш кўрганмишлар. «Керак бўлса опамнинг ўзи келиб кўради сизни», десам, «Набираларимни соғиндим, ўша ерда учтўрт кун туриб келаман» деб икки оёқни бир этикка тиқиб олдилар. Ўзимиз зўрға қараймиз бу кишига, билмадим, опамникидагилар вақт топармикин қарашга. Қолаверса, тажанг поччамизга кўзи ожиз одамнинг хархашалари ёқармикан?

Аёл бу гапдан хахолаб кулди. Йигит унга қўшилди. Ўз пушти камаридан бўлган ўғилнинг замзамали сўзлари отага оғир ботди шекилли, чидаб туролмади, ўрнидан турди.

— Яна нима гап? Ўтиринг жойингизга ҳали тушишимизга анча бор, — деди ўғил отани жеркиб.

— Йўқ, шу ерда тушаман, — дейди ота қатъий.

Ўғил уни силталади.

— Ўтиринг деяпман, аччиқ араҳга бало борми.

— Қўлингни торт.

Ота бир силтаниб, ўғилнинг қўлидан чиқди-да, индамай бекатда машинадан тушиб қолди. Ўғил ва унинг суҳбатдоши аёл қариянинг ҳаракатини бир ижирғаниб, бир жилмайиб кузатиб туришди.

— Ота безори.

— Ўғил бўлмай кет, номард.

Чекка-чеккадан овозлар эшитилди. Одамларнинг ўтли нигоҳига чидолмаган ўғил суҳбатдош аёл билан хайр-маъзурни насия қилди-да навбатдаги бекатда тушиб қолди.

Бу воқеани кузата туриб, қулоқларим остида таниш мисралар янградй:

**Отага тик боқма, иймонинг сақла,**
**Фарзандсан доимо бурчингни оқла.**

Билиб, топиб айтилган гап. Ишқилиб фарзанд зотини отага тик боқишдан сақласин экан-да.

### Коса тагидаги нимкоса

Дам олиш куни шаҳримизнинг ошхоналаридан бирида тушлик қилиб ўтирсам мен билан қарама-қарши столда ўтирган икки йигитнинг қуйидаги сўзлари қулоғимга чалинди:

— Марат, қаерда ишлаяпсан?

— Ошхонада.

— Зўр-ку, ойлиги қанақа?

— Суриштирма, биласан-ку, ҳозир ойлик билан тирикчилик ўтказиш қийин. Тушуми яхши-да.

— Шунақами? Бир кунда қанча топасан?

— Икки-уч минг.

— Қандай қилиб?

— Хўжайинимиз ҳар гапида «сопини ўзидан чиқаринглар» деб уқтиради. Биз ҳам шунга амал қилиб ҳам бўйидан, ҳам энидан уриш ҳаракат қиламиз. Қийин-қийин хўрандаларга қийин. Хоҳласанг сенга ҳам ёғлиқ иш бор, жойлаштириб қўйишим мумкин.

Икки навқирон ёшдаги йигитнинг тўғри йўл қолиб, қинғир йўл танлагани ғашимга тегди. Уларни суҳбатга тортишга ҳаракат қилдим. Йигитлар олдинига ётсираб туришди, кейин гапимиз қовушиб кетди.

— Бир ривоят айтиб берсам, майлими? — сўрайман улардан юмшоқлик билан.

— Майли эшитамиз, отахон, — дейишади кулимсираб.

— Бўлмаса эшитинглар. Қадимги араб халифаларидан Хорун ар-Рашид яна бир сарой бино қилмоқчи бўлади. Шу саройнинг ўртасига тўғри бир устун қўйиш керак бўлиб қолди. Хорун ар-Рашиднинг буйруғи билан шундай тўғри устунни қидириб-қидириб ниҳоят Бағдод шаҳрига яқин бир қишлоқдан топадилар. Уни Бағдодга келтирдилар. Халифа ўзининг амалдорлари билан бирга устунни кўриш учун у қўйилган майдонга келди. Томошабинлар орасида донишманд Бахлул деган доно ҳам бор эди. У майдондаги кишилар орасини ёриб чиқиб, устун ёнига келди. Устунга қулоғини тутиб, унга пичирлаб бир неча сўз айтди.

Халифа унинг қилиғидан таажжубланиб, бунинг сабабини сўради. Бахлул доно шундай деди:

— Мен устундан сен бир ёғочсан нега бунча иззат ва ҳурматга лойиқ бўлдинг? Хатто халифа ҳам сенга пешвоз чиқиб, кўргани келди, деб сўраган эдим, устун шунда:

— Мен эгри бўлмадим, тўппа-тўғри ўсдим, тўғрилигим шундай иззат-ҳурматга сабаб бўлди. Агар эгри бўлганимда аллақачонлар мени ўтин қилиб ёқиб юборган бўлардилар, — деб жавоб берди.

— Қалай маъқулми бу ҳикоя? — атайлаб сўрадим йигитлардан.

— Ёмон эмас, — дейишди улар.

«Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилидаги гапимни шу тариқа уларга баён этдим. Бу ҳикоятдан қандай хулоса чиқариш йигитларнинг ўзларига ҳавола. Энг муҳими улар коса тагидаги нимкосани тушуниб етишган эди.

### Яхшилик

Дам олиш куни Эски Жўва бозори бекатида троллейбус кутиб ўтирсам, ёнимга ўрта ёшлардаги бир киши келиб ўтирди. Бекорчиликдан ҳамроҳим билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим.

— Отахон, — деди у ҳангома орасида, — сизга бир қизиқ воқеа айтиб берайми?

— Айтинг, эшитайлик, — дедим мен.

У ҳикоя қилиб кетди:

— Кечки пайт тўйдан қайтардик. Такси тўхтатдик. Қорачадан келган ҳайдовчи кулгили воқеаларни айтиб, йўлйўлакай ичагимизни узди. Манзилга етиб келиб машинадан тушдик. Тун алламахал бўлиб қолганини инобатга олиб, ҳайдовчига келишилганидан бироз кўпроқ ҳақ тўламоқчи бўлдик. У қуйрда-қуймай ортиқча пулимизни қайтариб берди. Гап билан бўлиб, рафиқам ҳамёнини машинада унутиб қолдирибди. Уйга келишимиз билан «вой, ўлмасам»лаб қолди.

— Ҳа, нима бўлди? — десам у:

— Вой, эсим қурсин, адаси, ҳамёнимни машинада қолдирибман. Узукларимни ҳам ечиб унга солиб қўйган эдим. Энди нима қиламан-а?

Таъбим тирриқ бўлди. У ёқ бу ёққа қўнғироқ қилиб кўрдик. Тегишли жойни тополмадик. Тақ этса эшик пойлаб, тонг отишини кутиб ётдик. Ҳеч кимдан дарак бўлмади. Эрталаб аччиқ араз билан ишга жўнадик. Кечқурун уйга қайтсам, рафиқамнинг «оғзи қулоғида».

— Суюнчи беринг, адаси, — деди жилмайиб.

— Яна нима бўлди? — сўрайман ундан.

— Вой, йўқолган нарсаларим топилди. Яхшиямки ҳамёнимда ишхонамнинг манзили ёзилган дафтарчам бор экан. Ҳайдовчи бечора ўша орқали мен ишлаётган касалхонага қидириб келиб қолди. Ҳамёнимнинг ичини очсам, ҳамма нарсам бут. Севиниб кетганимдан ҳайдовчига раҳмат айтиб, исми-фамилиясини сўраб қолишни унутибман.

Кейин у қўшиб қўйди:

— Дунёда яхши одамлар кўп-да, адаси...

Ҳамсуҳбатимнинг бу гапига мен ҳам қўшилдим. Ҳа, азизлар, дунёда яхшилар кўп.

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Қачон, қаерда, қандай ва нимаки қилсак — хоҳ яхшилик ва хоҳ ёмонлик ҳаммаси ҳам бир кун ўз мевасини беради.

● Илтижо билан ёрдам сўровчи кишининг ҳимоячиси бўл, бундан яхшироқ яхшилик бўлмайди.

● Сен ўз ҳаётингни қанча эҳтиёт қилсанг, бошқа кишиларнинг ҳаётини ҳам шундай эҳтиёт қила билгин. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, дейдилар-ку.

● Дунёда энг яхши иш — холис ва пок ният билан қилинган ишдир.

● Дўстингни хирмонига қуш қўнса ҳайда, ўз хирмонинг ҳам омон бўлади.

● Яхшилик қалбда яшайди, ёмонлик ўжар бошдан жой илайди.

● Афлотун Ҳаким Искандарга насиҳат қилиб айтди:

— Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган эконсан, куч-қудратинг бор экан, имкон борича одамларга яхшилик қилишга ҳаракат эт. «Уйинг ўт олгандан кейин қудуқ қазишингдан нима фойда».

● Алишер Навоий айтади:

— Яхшилик қила олмасанг, борий ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонлигдин яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ ҳам бўлма, яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилик теграсида эврула олмасанг, яхшилар теграсида эврул.

ҲИКОЯТ. Анушервон бир кун шикорга чиқиб, саҳрони айланиб юрган экан, ёнғоқ кўчати ўтказаётган бир чолни кўриб қолибди

— Ҳой, мўйсафид, нима қилаяпсан? — деб сўрабди Анушервон.

— Худо подшоҳга узоқ умр берсин, ёнғоқ экаяпман, — дебди.

— Сен қари одам бўлсанг, бу дарахт қачон вояга етиб, қачон ҳосил беради? — дебди.

— Бошқалар экдилар, биз едик, биз экамиз, бошқалар ейишади,.— дебди чол.

Анушервон бу сўзга таҳсил ўқибди ва «Зеҳ» (Офарин) дебди. Агар, Анушервонга бирор нарса ёқиб қолса, «Зеҳ» деркан. Шунда ўша одамга юз дирам пул беришаркан, Анушервон чолнинг сўзини эшитиб «Зеҳ» деган экан, унга тўрт юз дирам беришибди.

— Ҳеч кимнинг дарахти мен экканчалик тез ҳосил бермаган, — дебди чол.

Анушервон яна «Зеҳ» дебди.

Мўйсафидга яна тўрт юз дирам беришибди.

Подшоҳнинг назари тушгани учун ҳам бу дарахт бир йилда икки марта ҳосил берди, деса, Анушервон яна «Зеҳ» дебди. Чолга яна юз диррам беришибди.

**Байт:**

**Кимнинг яхши номи қолса ёдгор,**
**Арзир бу дунёдан кетса бахтиёр.**

● Урушиб, жанжаллашиб турган икки кишининг қайси бири қўлли бўлса, ўша киши айбдордир.

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

«Қўрқмасдан мени ура бер, «афсун қилаяпман», дегин», деб ўргатди хотин. Бараҳман хотинни ура берди. Унинг эри бараҳман олдига келиб сўради: «Бу киши ким? Бу бегона киши бу ерда нима қилади?»

«Иккинчи кундирки, хотинингга дев тегибди. Афсун ўқиш учун мени бу ерга олиб келдилар. Агар ижозат берсанг қайтиб кетай», деди бараҳман.

Эр бу соҳада шак келтирмаслигини айтиб, бараҳманга тазарруълар қилди. Бараҳман бир оз лабини қимирлатиб, афсун ўқиган бўлиб, хотинни гўё банддан халос қилиб, эрига топшириб саломат қайтиб кетди.

менинг кўкрагимга миниб турган ўғрига чанг солиб, уни кўтариб олиб кетди. Шу билан шер бу балодан мени қутқарди. Бу аҳволни кўргач, худога шукрлар қилдим. Ниҳоят, ўрнидан туриб, ўғрининг қиличини олиб, хотиннинг олдига бордим. Хотин қоронғида мени ўғри деб гумон қилиб: «У кишини ўлдирдингми? деб сўради. «Уни худо ўлдирди» деб жавоб бердим.

Шундан сўнг, мен хотинга дўқ-пўписа қилдим. У эса ўғрининг барча хазина ва дафиналарини менга кўрсатди. Барча молларни олдим. Сўнгра хотиндан ҳол сўрадим. «Мен фалон қишлоқданман. Мени зўрлик билан бу ерга олиб келган эди. Бинобарин, унинг қўлида асира эдим», деди.

### Муҳаммад Авфий

# Жавомеъ ул-ҳикоёт

Шу воқеадан сўнг, хотин қачон бараҳманни соғинса, ўша куни ўзини девоналикка солар, эри эса бараҳманга киши юбориб, кўп илтижолар билан уни олиб келиб, пул берарди ва ундан паричеҳра дев фелънинг айш-ишрати учун афсун ўқишини илтимос қиларди. Бечора эр бу қилмишлари билан қўшмачилик қилар ва ўз хотинига ўйнашни пулга сотиб оларди.

* * *

Шориҳ номли киши шундай ҳикоя қилади:

— Мен сафарга чиқиш тараддудини қиларканман, одамлар менга, йўлда бир ўғри бор, якка ўзи карвонга ҳужум қилади. Ҳеч ким у билан тенглашолмайди, дедилар. Бу сўзни эшитгач, мен андишага тушдим. Ниҳоят, сафарга чиқдим. Йўлда бир отлиқ менга ҳамроҳ бўлди. Унинг зотдор оти қурол-аслаҳалари бор эди. Мен ва у йўлга равона бўлдик. Йўлнинг ярмига борганимизда ўғрига кўзимиз тушди. Ўғри отига минган ҳолда биз томонга қараб кела бошлади. Ҳамроҳим ўғрини кўриши ҳамоно унга ҳамла қилиб, қилич солди. Ўғри унинг ҳамласини рад қилиб, орқасидан келиб, қилич уриб, уни ўлдирди. У менинг кийимларимни ечиб олиб, ўзимни ўлдирмоқчи бўлди.

«Мени нима сабабдан ўлдирмоқчи бўляпсан? Сенга ҳамла қилмадим, шунингдек, шеригимга ёрдамлашмадим. Ахир мендан нима истайсан?» дедим. Шундан сўнг, ўғри менинг қўл ва оёқларимни маҳкам боғлаб ташлаб кетди. Мен кун бўйи очнаҳор ва ташналик билан саҳрода ётдим. Ниҳоят, кўп ҳаракатлардан сўнг, тугуннинг бир учини ечдим ва ўрнимдан туриб, аста-секин йўлга равона бўлдим. Кеч кирди. Тун лашкари ҳамма ёқни қоплади. Узоқдан ёруғлик кўрдим ва ўша ёруғлик томон бордим. У ерда эски бир уйда бир киши хотин билан ишратга машғул эди. Мен уйнинг эшигига борганимдан сўнг, улар мени кўриб қолдилар. У киши дарҳол ўрнидан туриб менга бақириб, қиличини яланғочлаб, мени ўлдиришга шайланди. Мен унга кўп ялиниб-ёлвордим, аммо, фойдаси бўлмади. У мени қилич билан чопмоқчи бўлиб турганида хотин уйидан чиқиб: «Буни менинг олдимда ўлдирма», деди. Бу золим киши эрталаб йўлда мени тунаган ўша номард ўғри эди.

У мени уйдан узоқроқ жойга олиб борди. Ўша ерда сувсиз ариқ бор эди. Мени ўша ариққа олиб бориб, ерга ётқизиб, энди сўймоқчи бўлаётган эди, шу пайт шернинг овози эшитилди, ўғрининг қўли бўшашиб, атрофга қаради. Ногаҳон, шер пайдо бўлиб,

Мен хотинни ўз қишлоғига олиб бориб қўйдим. Худойи таоло мени ўлимдагн сақлади.

* * *

Ғулом ибн Алмор шундай дейди:

— Мен Басра яқинидаги Иблада савдогарнинг хизматин қилардим. Хўжайин беш юз дирҳам олиб келиб берди; латтага ўраб ёнимга солиб Басрадан Иблага боришга қарор қилдим. Дажла дарёси лабига бориб, бўш қайиғини боғлаб қўйган қайиқчини учратдим. Мен қайиқни кирага олиб, унга ўтириб, пул ўралган латтани ўз олдимга қўйдим. Ниҳоят, қайиқда суза бошладим. Қайиқ бандардан ўтиши билан, Қуръон ўқиб ўтирган қорини кўрдим. У дарё бўйида ўтириб, хазин овоз билан шундай Қуръон ўқирдики, кўнгил ором оларди. Кемачи мойиллик кўрсатарди. Шу пайт қори киши:

«Эй қайиқчи, мен кеча йиртқич ҳайвондан заҳмат чекдим, бинобарин қўрқяпман. Мени қайиғингга туширсанг нима бўлади», деб нидо қилди. Қайиқчи қайиқни кўр томонга ҳайдаб борди. Кўр қайиққа тушиб олиб, яна Қуръон ўқишга киришди. Мен эса бутун вужудим билан Қуръон тинглардим.

Биз Иблага яқинлашганимиздан сўнг кўр Қуръон ўқишни тўхтатди ва қайиқдан тушишга ҳаракат қила бошлади... Қарасам ёнимда пул солинган ҳамён йўқ. «Менинг олтинларим қаерга кетди?» деб фарёд кўтардим.

Қайиқчи менинг фарёдимни эшитиши билан: «Қайиқда сен билан бирга бўлдик, бирор жойда тўхтамадикки, у ерда сенинг ҳамёнингни яшириб қолдирган бўлсак», деб қойий бошлади. Кўр ҳам минг хил нола-фиғонлар билан фарёд чекарди.Қайиқчи билан кўр кийимларини ечиб ўзларини яланғоч ҳолда менга кўрсатдилар.

Мен, олтинлар қаерга кетди, деб ҳайрон бўлиб қолдим. Агар булар олган бўлсалар, қаерга беркитдилар экан, деб ўйлардим.

Ниҳоят, булардан шубҳа қилишдан муродим ҳосил бўлмаслигига кўзим етди. Шундан сўнг, улардан умидимни узиб, ўзимга дедим: «Олтинларни шу аҳволда йўқотганимга бари бир хўжайин ишонмайди ва мени қийноққа солиб ўлдириши муқаррар. Авлодим эса ушбу арзимас олтин туфайли умрбод асирликка маҳкум бўлғуси».

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ** тайёрлаган.

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# ВЕНГЕРЧА КРОССВОРД

**Азиз оқшомхон! Қуйида таърифлари баён этилган сўз ва номлар шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига оид. Уларни шаклдан бош ҳарфини топиб ўнгга, чапга, юқорига ва пастга томон ўқиш билан кроссвордни ҳал этинг. Қавс ичида жавобнинг неча ҳарфдан иборатлиги берилган.**

1. Бобур таваллуд топган шаҳар. (7). 2. Ўзбекистон халқ ёзувчиси «Юлдузли тунлар» романи муаллифи. (7). 3. Ижодкорнинг қомусий, ноёб асари. (9). 4. Бобурнинг биринчи ўғли, Ҳиндистон ҳукмдори. (6). 5. «Бобур» кўп серияли видеофильми режиссёри. (6). 6. Шоирнинг қизи, ўрта аср шарқида биринчи тарихчи аёл, «Ҳумоюннома» асари муаллифи. (13). 7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда барпо этган давлат пойтахти. (4). 8. Темурийзода ҳукмдор, Бобурнинг падари бузруквори. (8). 9. Ижодкорнинг маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат қонун-қоидаларига бағишланган асари. (8). 10. Ўзбекистон халқ ҳофизи, Бобур ғазаллари билан айтиладиган мумтоз ашулалар ижрочиси. (6). 11. Театр саҳнаси ва экранда Бобур сиймосини гавдалантирган санъаткор. (15). 12. Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, илмий асарлар ёзган ўзбек олимаси. (10). 13. Заҳириддин Муҳаммад Бобур устоз деб билган улуғ ўзбек мутафаккир шоири. (6). 14. Шоирнинг замондоши, биргаликда фаолият олиб борган муаррих. (8). 15. Ижодкорнинг ҳаёти ёритилган экран асаридаги ашулаларни ижро этган хонанда. (7). 16. Тасвирий санъат устаси, миниатюрачи рассом, шоирнинг замондоши. (6). 17. «Бобурнома» асарида маълумотлар баён этилган ватанимизнинг бош шаҳри. (7).

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | Г | У | А | З | И | М | Ж | О | Н | О | В | Ҳ | У | М |
| Н | А | Л | Б | А | Д | А | Н | Б | Е | Г | А | Н | Ю | О |
| Д | Б | Д | У | Қ | | | | | | И | У | М | А | Р |
| И | Ж | О | Н | У | | | | | | М | Х | Й | А | Ш |
| М | У | Б | А | Н | | | | | | Н | Й | П | А | Р |
| У | Б | У | Й | Д | | | | | | А | И | Е | И | П |
| М | О | Р | Й | У | | | | | | В | О | В | Б | Е |
| А | Б | Н | И | З | | | | | | Ю | Р | А | Т | Ҳ |
| Р | О | О | Н | О | | | | | | Н | Г | Т | Н | Д |
| Х | В | М | А | В | Р | Қ | В | О | С | У | А | О | Е | О |
| О | Н | Д | А | М | И | О | Д | И | Р | О | В | Ш | К | Д |



**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 21 февраль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

1. Ўлан. 2. Неру. 3. Учқудуқ. 4. Кундуз. 5. Зебуннисо. 6. Олтингугурт. 7. Тонг. 8. Гилос. 9. Сирач. 10. Чинобод. 11. Далил. 12. Лайли. 13. Икар. 14. Режа. 15. «Алпомиш»

**Муаммонома**

**Ҳикмат:**

Сўздир инсон ақлин далили,
Сири очилур сўзлагач тили.




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-108. Топширилди 12.00 1 2 3 4 5 6